

Шавкат Мирзиёев Нұкус шаҳрида Опера ва бахшичилик мактабини бориб күрди



Президент Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни Нұкус шаҳридаги Опера ва бахшичилик мактаб-интернатини бориб күрди.

Маълумки, қорақалпоқ элининг ўзига хос бахшичилик йўналиши бор. Мустақиллик йилларида бу ерда опера ҳам ривожланди. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ бахшилари, хизмат кўрсатган артистлар етишиб чиқди.

Опера ва бахшичилик мактаб-интернати ушбу анъанани давом эттириш, ёш авлодга етказишига хизмат қиласди. Мазкур ихтисослаштирилган таълим маскани ўтган ойда ишга туширилди. Муассаса 150 ўринга мўлжалланган бўлиб, унга 9 синфни битирган иқтидорли ўқувчи ёшлар танлов асосида қабул қилинади. Ҳозирда 30 нафар ўғил-қиз ўқишини бошлади. Уларга таниқли санъат усталари ва педагоглар сабоқ бермоқда.

- Бундай мактабларни ташкил этишимиздан асосий мақсад – тарихимизни, маданиятимизни чуқур ўрганиш, ўзлигимизни англаш. Бахшичилик – қорақалпоқ элининг улуғ анъанаси, уни ривожлантириш учун ҳамма шароитларни яратамиз, – деди давлатимиз раҳбари.



Манба